

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 27 ноябрь
Сотувда эркин нархда
№ 240 (2802)

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, Кенгаш раиси Р.Азимов бошқарди.

Кенгаш мажлисида кичик ва ўрта тадбиркорлик, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича гуруҳнинг ҳисоботи тинланди. Қайд этилдики, 2001 йилнинг 9 ойи давомида бу йўналишда муайян ишлар амалга оширилди. Ақлий вазирлиги ва унинг бўлинмалари томонидан тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари бузилишига оид 2 мингдан ортиқ ариза кўриб чиқилди. Аризаларни кўриб чиқиш натижасида 259 нафар мансабдор шахс моддий жавобгарликка тортилди, улардан моддий, маънавий зарар ва йўқотилган фойда ҳисобида 60,2 миллион сўм ундирилди. 2000 йилнинг шу даврида бундай жавобгарликка 98 киши тортилган ва улардан 9,3 миллион сўм ундирилган эди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида республика ақлий идоралари томонидан ҳуқуқ бузилишлари бартараф этиш тўғрисида 705 та кўрсатма юборилди. Шу жумладан ҳокимликларга — 268 та, солиқ идораларига — 97 та, ҳўжалик ва қорхоналарга — 59 та, вазирлик ва идораларга — 281 та ҳужжат йўлланган. Судларга тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб 2,26 миллиард сўмлик 4 мингта даъво аризаси берилди (2000 йилнинг 9 ойида 157 та ариза берилган).

Таъкидландики, тадбиркорларни назорат ва текширув идоралари аралашувида ҳимоя қилиш тизимида "Текширишлари рўйхатга олиш китоби" амалиётга жорий этилгани ижобий натижа бермоқда. Унинг нусхаси 135 мингдан ошди, фаолият кўрсатган кичик ва ўрта бизнес субъектларининг 90 фоизи бу китоб билан таъминланди.

Ақлий вазирлигига тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоялашга оид халқ-ҳануз бартараф этилмаган муаммоларга эътиборни қаратиш тавсия этилди. Буларнинг асосийлари тадбиркорларнинг фаолиятига мансабдор шахсларнинг аралашуви, назорат идоралари томонидан ноқонуний текширишларнинг ўтказилиши, тадбиркорларни ҳуқуқ-тартибот идораларига руҳсатсиз чақирилиши, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан тадбиркорлар маблағларини турли тадбирлар ўтказишга ноқонуний жалб қилиш ҳолларидан иборат.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида деҳқон ва фермер ҳўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолияти тўғрисидаги ахборотлар тинланди. Шунингдек, Улғунор, Олот ва Шаҳрисабз туманлари ҳокимларининг кичик ва ўрта бизнес ривожлантириш бўйича тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоялаш тўғрисидаги ҳисоботлари тинланди. Барча муҳоама этилган масалалар юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

(ЎЗА).

8 декабрь — Конституция кун



МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК КАФОЛАТИ

Республика Байналмилал маданият марказида Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Конституция — менинг тақдирим" мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда истиқомат қилаётган миллий маданият марказлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Ийгиликда кўп миллатли мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва эллар аҳлида яшаб, меҳнат қилаётгани қўл этилди. Бош Қонунида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мақоидан қатъий назар қонуни олдига тенгдирлар.

Шу боис ҳар бир фуқаро Конституциямизда белгиланган ҳўқуқ ва эркинликларини чуқур англаб олмоғи, юртимизда тинчлик ва осойишталикни янада мустақкамлаш, халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида меҳнат қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб билимоғи лозим. Бу эса Бош Қонуни-мизнинг мазмуни ва моҳиятини янада кенроқ тарғиб ва ташвиқ қилиши тақозо этади.

О.НОРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

БМТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида ушбу ташкилот Бош қотибининг мамлакатимизга ташриф буюрган ўринбосари Калман Мизей оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди.

К.Мизей БМТ Тараққиёт дастури раҳбарининг ўринбосари ҳамда мазкур Дастурнинг Европа ва МДХ мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси директоридир. У ташриф давомида мамлакатимизнинг бир неча вазирлик ва идоралари раҳбарлари билан учрашиб, Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ислохотлар жараёни ва атроф муҳит муҳофазаси билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди.

БМТ Тараққиёт дастури 1993 йилдан буён Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиб келади. Айни пайтда мамлакатимизда мазкур дастур иш-тирокида турган дастур ва саккизта лойиҳа ҳаётга таъбиқ қилинмоқда. Улар

кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш ва микрокредитлар ажратиш, ахборот-алоқа технологияларини жалб этиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, техникавий ҳамкорликни мувофиқлаштириш, шунингдек, фавқулодда вазиятларда инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ва ОИТСга қарши кураш каби жараёнларни ўз ичига олган.

2000-2004 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурига кўра, Тараққиёт дастури турли лойиҳалар ижроси учун 75 миллион 770 минг АҚШ доллари ажратишни режалаштирган. Хуусан, жорий йилда бундай мақсад учун 14 миллион 497 минг доллар миқдорда маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда.

К.Мизей журналистлар саволларига жавоб қайтарар экан, Ўзбекистон Марказий Осиёда етакчи ўрин тугитишни ва БМТ мамлакатимизни ўзининг муҳим ҳамкори санашини алоҳида таъкидлади.

(ЎЗА).



"Поп нотўқима" акционерлик жамияти пахта қайта ишлаб енгил саноат корхоналари учун тўрт хилдаги нотўқима материаллари етказиб беради. Биринчи ўтган ойда жамиятда 120 миллион сўмлик ана шундай маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ўз навбатида ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширади. Манфаатдорлик бор жойда эса, иш унуми ҳам, сифати ҳам юқори бўлади.

Этироф этиш керак, мазкур корхона бундан бир неча иш мўҳаббатини широз ёқисига келиб қолган, деярли ёпиши даржага эди. Истиқоматимизда...

кон топиши рост экан. Ташаббускор Махмуджон Рашиев жамият бошқаруви раиси этиб сайланди, иш ижобий томонга ўзгара бошлади. Хатто, корхона қандайдир тақрирларни ҳисобга олиш, аҳади эҳтиёж учун зарур бўлган — кўнрақ, кўнрақ, яқинда, махсус кийим-бинолар тиқилиш йўлига қўйилди. 30 дан зиёд ишлар иш билан таъминланди. Корхонада ишловчи рақ сонга эса 300 нафар кишидан ошиб кетди.

СУРАТДА: тикувчи Назирахон Парниева иш устида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ ЙИГИЛИШИ

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашида ҳудудда вужудга келган сувсизлик оқибатларини ўрганиб чиқиш бўйича тузилган ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, мутахассислар иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодий ва статистика вазирининг ўринбосари Б.Хўжаев кун тартибиданги масала юзасидан ишлаб чиқариётган жорий тадбирларга тўхталди. Чунончи, Амуларё ҳавзасида вужудга келган сув тақчиллиги оқибатларини тугатишнинг қисқа, ўрта ва узок муддатта мўлжалланган дастурлари ишланмоқда. Қисқа муддатли дастур айни бугунги кунда ҳудуд аҳолисини ичимлик сув, озик-овқат ҳамда дори-дармон билан етарли миқдорда таъминлашни, ўрта муддатли дастур Қорақалпоғистоннинг ноёб ероти бойликларини ўзлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни, узок муддатли дастур эса Оролбўйидаги экологик вазиятни кенг миқёсда юмшатишни назарда тутайди.

Ишчи гуруҳи мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Камолов сўзга чиқди.

Янгибой ҚўЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Олий ҳўжалик судида иқтисодий низоларни ҳал қилишчи судлар фаолияти такомиллаштиришга бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда мамлакатимиз ҳўқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, ҳўжалик судлари судьялари, шунингдек, хорижий мамлакатлардан вакиллар иштирок этиди.

Унда мамлакатимизда ҳўжалик судлари ташкил этилганидан буён ўтган ўн йил мобайнида мазкур судлар оид судловнинг ажралмас қисмига айланган таъкидланди. Хуусан, улар ҳўжалик муносабатларида қонунчиликни таъминлаш, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида янгича ҳўқуқий муносабатларни қарор

ҲўЖАЛИК СУДЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзида ҳўжалик судларида 33 мингта иш кўриб чиқилиб, жавобгарлардан давтоғларлар фойдасига юз миллиард сўм ундириб берилган бўлса, жорий йилнинг ўн ойида 30 минг тадан ортиқ ишлар қўриб чиқилган.

Тадбирда ҳўжалик судлари фаолияти кенг таҳлил қилиниб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, умуман, соҳа ишини янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

ДОРИ-ДАРМОН КЕЛТИРИЛДИ

Давлат шойилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сурхондарё вилоятидаги бўлимига Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖСТ) дори-дармон ва тиббий жиҳозлари топширилди. Инсонпарварлик ёрдами сифатида келтирилган ушбу маҳсулотлар билан 20 минг кишига тиббий ёрдам кўрсатиш мумкин.

Афғонистонда халқаро терроризм ўчоқлари қарши ҳарбий операция амалга оширилаётган бир пайтда, ЖСТ унга қўшни мамлакатларнинг чегарага яқин ҳудудларда яшовчи аҳолисига дори-дармон ва тиббий жиҳозлар билан ёрдам кўрсатаётти. Шундай хайрия юкларидан биринчи навбати Термизга келтирилди.

Чори ТўХТАЕВ,
ЎЗА мухбири.

РЕСПУБЛИКА СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИ "МАЪНАВИЯТ ВА МАРИФАТ" МАРКАЗИ, ФИДОКОРЛАР МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА "ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ — ДУНЁ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАҲДИД" МАВЗУИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР ЎТКАЗДИ.

Олий Мажлисининг Мудоффа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов, "Маънавият ва марифат" маркази раҳбари А.Болиев ва вакиллар анжуманида сўзга чиқиб, халқаро террорчилик бугун

инсоният учун катта хавфга айлангани тўғрисида гапирди. Шу боис Афғонистон ҳудудидаги террор ўчоқларини йўқ қилиш борасида бошланган кураш дунёдаги кўп давлатлар, тараққийпарвар қувват томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Мамлакатимиз ҳўқуқма-

ТЕРРОРИЗМ — ИНСОНИАТ ДУШМАНИ

ти бу борада Президентимиз Ислам Каримовнинг Баёнотида белгиланган қарарга қатъий ва аниқ-равшан позиция изчил амал қилаётгани алоҳида эътибор қаратилади.

Замон ЭШОНҚУЛОВ,
ЎЗА мухбири.

КЕЧА, БУГҲН, ЭРТАГА

САЛОМАТМИСИЗ, ҚИЗЛАР?

Қизлар — бўлгуси оналар. Тошкент врачлар малякисини ошириш институти қошида Республика қизлар репродуктивни саломатлиги ўқув-ўқувий маркази ташкил этилди. Бу даргоҳ қизлар саломатлигини назоратда олиш ва мустақкамлашга хизмат қилади.

БОЗОРИ ОБОДНИНГ ДАСТУРХОНИ ТЎКИН

Чироқчида уч гектарлик янги тижорат бозори иш бошлади, — дея хабар беради "Ўзбекистон-пресс" мухбири. — Бу ободчилик, тўқинчилик белгиси эмасми? Туман марказида иш бошланган ушбу бозор Чироқчидаги Чивал, Қўктом ва Айритом қишлоқларидан кейинги тўртинчи бозордир.

ҚУЁШГА МЕНГЗАЙМАН, МЕҲР ТАФТИНГИНИ

Ростдан-да, она меҳри қуёшга менгзагулик. Зеро, Республика болалар ижодий марказида очилган ёш расмолар кўрсатмаси ҳам «Она меҳри — қалблардан деб номланди. Унда она сиймоси акс эттирилган юздан зиёд асарлар намоиши этилаётти.

ДАРОМАДГА ҚАРАБ, БУРОМАД

"Тахноташдон" акциядорлик жамияти акциядорлари ҳар бир

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

● «Рейтер» ахборот агентлигининг хабар қилишича, кеча Афғонистондаги Шимолий альянс қўчалари толибларнинг сўнгги таъин муқофаларидан бири бўлган Қундуз шаҳрини ҳам ўз назоратига олган. Айни хабарни альянс етакчилари ҳам тасдиқлаган. Маълум бўлишича, генерал Муҳаммад Фахри бошчилигидаги ушбу ҳарбий амалиётларда альянс генераллари Абдурашид Дўстум, Довуджон Хўсайин ва Ота Муҳаммад аскарлари иштирок этган.

● Кеча тарқатилган хабарларга қараганда, АҚШнинг тахминан 1500 нафар денгиз пёнда аскарларидан иборат гуруҳи Афғонистоннинг Қандаҳор яқинида киритилган. «Рейтер» агентлигининг маълум қилишича, Пентагон намоёндалари ҳозирча мазкур гуруҳнинг Афғонистонга қандай мақсадда киритилгани ҳақида изоҳ бермаган. Тарқатилган хабарларга кўра, АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг қочаги амалиётларида Қандаҳордаги террорчилар истеҳкомлари бир неча бор нишонга олинган.

● Кеча Кремль раҳбари Владимир Путин 2002 йили Россияда Украина йили деб эълон қилди. Маълум бўлишича, айни масалада ташкилий

● Жаҳон матбуоти хабарларига кўра, биринчи рақамли террорчи Усома бин Ладин ва «Толибон» ҳаракати етакчилари Қандаҳорда қўлаб қўлга олинган. Би-Би-Си эса кеча Пентагон мулозимлари сўзларига таяниб, террорчилар раҳисомасини ушлаш амалиётлари энди бошланганини ҳақида хабар тарқатди.

● Кеча Кремль раҳбари Владимир Путин 2002 йили Россияда Украина йили деб эълон қилди. Маълум бўлишича, айни масалада ташкилий

● Триполи шаҳрида Миср президенти Х.Муборак ва Ливия раҳбари М.Каддафи ўртасида бўлиб ўтган юзма-юз мулоқотларда Яқин Шарқдаги вазият муҳокама этилди, дея хабар беради «Рейтер» агентлиги. Маълумки, ҳозирда минтақадаги вазият яна кескинлик томон юз бурган. Бу борада ўтказилаётган музокаралар эса ҳеч қандай натижа бермапти.

● Буюк Британиянинг С 130 русумидаги самолёти Афғонистон делегация аъзоларини Бонн шаҳрига олиб келди. Маълумки, ушбу шаҳарда БМТ шафелигида Афғонистоннинг кейинги тақдирини билан боғлиқ масалада халқаро саммит ўтказилиши кутилмоқда.

● АҚШ Фаластин муқторияти учун 5 миллион доллар ажратадиган бўлди.

● Непал ҳўқуқмати ўз қироли Гьянаендрдан мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилишни сўраб, мурожаат қилди. Чунки сўнгги икки кунда мамлакат ичидоги ўзаро тўқнашулар сабаб 200 нафардан ортиқ киши қўриб бўлган.

● «Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

Обуна — 2002

КЕЧА ҚОЛГАН АРМОН ҚИЛУР

Агар Сиз 2002 йили «Халқ сўзи» газетасисиз қарши олсангиз:

- Мамлакатимизда жорий этилаётган ислохотлар одими, янгилашни самаралари ҳақида бохабар бўлмайсиз;
- миллий истиқлол ғоясини халқона тилда тушунтирувчи мақолаларни ўқий олмайсиз;
- энг муҳими, парламент қабул қилган қонун ва ҳўжжатларга энг биринчи эга бўлмайсиз, улар ҳақидаги шарҳлардан бахраман бўлолмайсиз.

ДЕМАК, «Халқ сўзи»сиз яшаш — халқ дардисиз яшашдир.

Қандай хулоса қилиш ўзингизга ҳавола.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!



Термиз ҳайвонот боғига ҳам кун туғди. Боғнинг аввалги довуғини тиклашга қаратилган вилоят ҳокимлигининг тадбирлари иш бера бошлади. Боққа элгувчи ўнқир-чўнқир кўча қўлининг қафтидай қилиб таъмирланди. Боғнинг қаровисизлиқдан, сувсизликдан қуриб қолган дараклари парвариш топди. Меъморлар, расмдорлар, усталар шаҳарнинг қоқ белдаги шу 20 гектарлик масканин обод этмоқ учун ҳунарларини тўкиб ишладилар. «Жайхун» кичик корхонасининг, шаҳардаги бошқа тадбиркорларнинг бу хайрли ишга қўл солишгани нур устига аъло нур бўлди.

ТЕРМИЗНИНГ ЭРИНЧОҚ АЙИГИ

ёхуд қуён, бегемот ва олти йил аввал ўлган фил ҳақида

Кўпдан қуён қочиб қутулмас, дейдилар. Кўплашиб ҳаракат қилганлардан, қуён туғул, шер, қоплонлар ҳам қочиб (ё йўқолиб) қутулмас экан. Вилоят ички ишлар бошқармасининг кумаги билан ҳайвонот боғи маъмурилари бу ерга шер, айқ олиб келдилар. Келтирилган оқ айқлар, тибет йўлбарслари, қоплонлар боғнинг тор темир қафасларида нафаслари бўйлиб ажалидан ўн кун аввал олиб кетди, деб уйланган. Тўғри, илгарилари бундай жониворлар тор қафасларда сақланарди. Эсинг иссиғида кўлариди тер (аҳтимол

кўзешидир) оқиб турган шерга одамларнинг раҳми келганларини кузатганмиз. Бугун бошқача. Шер, қоплон яшайдиган ва гор, ўрмонга ўхшатиб қурилган жойлар анча «чинам». Ташкентдан олиб келинган шерлар ҳали ёш. Наъра тортишга энди-энди ўрганипти. Ҳов нарида, горнинг ичида ёниб турган ўт-ўт эмас, қора қоплоннинг кўзлари.

Айқларимиз эринчоқ чикди, — дейди боғнинг бош директори Чори Сатторов. — Томошбинларга «жамол»ни кўрсатгани келмай ухлагани-ухлагани.

Боғ ишчилари яхши бир иш қилишпти. Вилоятнинг Қўрғон тоғларида усадиган ва Қизил китобга тушган бу-

рама шохли бугу-Морхўрдан бир жуфтани топиб келишпти. Энди бўлса ҳатто, хориждаги ҳаммасилари улардан бизга Морхўрни қўлайтириб беринг деб сўраётганмиз. Яна бир янгилик. Термиз ҳайвонот боғига кирганлар тимсоҳи, бегемоти кўришлари мумкин. Айтмоқчимизки, бу жониворлар учун ҳам... Қафас эмас, «чинам»гина жойлар қуриляпти. Сатторовнинг айтишича, икки-уч ой ичида олиб келинади.

Мен ҳайвонот боғининг Ойимхон Пардаева деган ишчиси билан гаплашдим. Хали-хали бундан олти йил аввалги ўлиб кетган филни



эслайди боёқчи. Боғ раҳбарларидан бири Норхол Курбонмуродов бўлса, насиб этса, фил олиб келамиз, боғимизнинг довуғини тиклашимиз, боғимиз шахримизнинг энг диққатга сазовор маскани бўлади, хорижлик сайёҳларнинг ҳам диққатини тортганидан жой бўлади, — деб қолди ва яна, кўпдан қуён қочиб қутулмас деган мақолини такрорлади.

Қушлар сақланадиган жойда бир-бирларига гап бермай чўғур-чўғур гурунглашадиган бир гуруҳ мактаб ўқувчиларининг гурунглирига қўшилмоқчи бўлган. Болаларнинг гурунглирига қўшилиш йўқ, осон эмас, болаларнинг гурунглирини, айниқса, қушлар, жониворлар, ҳақида, табиат гурунглирини тинглаш керак. Бу гурунглирдан одам теварак-атрофга болаларнинг нигоҳи билан қарашига ўрганадиган бўлади. Уларнинг нигоҳи ўткир, эҳтирош зийрак

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Лондонда ҳар йили ўтказиладиган «World Travel Market» умумжаҳон сайёҳлик ярмаркаси ниҳоясига етди. Унда жажоннинг 171 мамлакатдан бир неча минг сайёҳлик компаниялари иштирок этди. «Ўзбектуризм» ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий компаниялари ҳам мамлакатимизнинг муносиб вакиллари сифатида ушбу халқаро анжуманда қатнашдилар. Миллий, яъни ўзбекхона услубда беэ-

Ижод дарди

Қадимий юнон драматурги Эврипид аравочага чиқиб олиб, оёқларини гилдиракка қўйиб, сўнг бафуржа осар ёзган.

Француз эртакчиси ва масалчиси Жон де-Лафонтен ўз асарларини фақат қучли ёмғир пайтида ёзган.

Австрия композитори Христуф Глюк мусиқа ёзишдан олдин ўз пианиносини шаҳар ташқарисига олиб чиқарди. Уни офтоб қиздирадиган очик майдонга қўйиб, ижод қилишга киришган.

Француз композитори Адольф Шарль ўз балетларини фақат тўшқадда, иссиқ кўрпага ўраниб олган ҳолда ёзган. Шунда-ям оёви ва кўксиди мушук ётиши шарт бўлган.

Бетховен «соқолимини қирдирсам, зўр осар ижод қилолмайман» деб узоқ вақтга соқ-соқолини олдиримай, ўстириб юрар экан.

Диккенс эллик сатр ёзган, албатта, бир стакан қайноқ сув ичган.

Оноре де Бальзак фақат кечаси ишлашни яхши кўрган ва кайфиятини кўтариш учун тинмай кофе ичган.

Нурбек МУСТАФОВ тўплаган.

ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛАРНИ РОМ ЭТМОҚДА

Кўргазма

тилган гўзал павильонларда ярмарканинг иштирокчи ва зиёратчиларига Ўзбекистон ҳамда Буюк Ипак йўли шаҳарлари бўйлаб турли-туман сайёҳлик маршрутлари, Самарқанд ва Бухоронинг бетакор меъморчилик ёдгорликлари акс этган эскизлар, халқ амалий

санъати намуналари намойиш этилди. Миллий қўшиқ ва рақсларни ижро этган санъаткорларимизнинг чиқишлари ҳам қизгин олқишларга сазовор бўлди. Айтиш жоизки, ушбу ярмарка ҳам хорижий сайёҳлик компанияларининг Ўзбекистонга

бўлган қизиқиши тобора ўсиб бораётганини яна бир бор кўрсатди. Икки томонлама манфаат касб этадиган шартномаларнинг имзолангани бунинг ёрқин мисоли бўла олади.

М.ЁҚУБОВ, «Жаҳон» АА.

«ЎЗГУШТСУТСАНОАТ» ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК УЮШМАСИ



2002 йилга ГЎШТ, СУТ, ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ, ШАРБАТ ВА ИЧИМЛИКЛАРНИ



хариб қилиш бўйича шартномалар тузиш учун, мулк шаклидан қатъи назар, барча савдо ташкилотлари ва бошқа истеъмолчиларни

ЎЛГУРЖИ ЯРМАРКАГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ярмарка 2001 йил 30 ноябрь кунини соат 10.00дан 16.00гача Тошкент шаҳри, «Чилонзор» мавзеси, 26-даҳа, «Тошкентсут» акционерлик жамияти биносида бўлиб ўтади.



Маълумот учун телефонлар: 144-29-21, 72-02-85, 144-24-00, 41-31-42.

САВОЛ БИЗДАН...

Алишер яқинда бир китобни ўқиб чиқди. Унинг сўнгги саҳифасини тугатганда руҳи кўтарилиб, кўнглида гурур ва ифтихор туйғулари жўш уради. Топингчи, Алишер қандай китоб ўқиган? Сизга ёрдам бўлиши учун бир белгини айтмиз: мазкур китоб 26 бобдан иборат.



24 НОЯБРЬ СОНИДА БЕРИЛГАН САВОЛНИНГ ЖАВОБИ:

Рудакий, Фитрат, Фирдавсий. Бу ҳақда кеча 136-35-60 рақамли телефонга Тошкент шаҳридан Хасан Раҳматуллаев маълум қилди.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТАДИ

КАБЕЛЬ

(АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШВ, КГ, КВВГ, ТП, ТСВ, ПВ, АПВ, ППВ, ПУНП.)

ЛАМПАЛАР

(ЛД, ДРЛ, ДНАТ) **ЁРИТГИЧЛАР** (ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ.)

Буюртмангиз буйича яқин ва узоқ хориждан шартнома буйича келтириб бериш имконияти бор

Ўзбекистон, 700060, Тошкент ш., Нукус к., 29-қ.д., «Ўзбекистон» мошиий хизмат уйи, 5-қават.

Тел./факс: (+99871) 1360154, 1331284, 120-09-09.

«Дарвоз И» фирмаси

СИФАТЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ:

- иш тоғлини ҳам газламаларни бўйлаб;
- бўйлаб газламаларни сув ўтмайдиган «брезент» ёки оловда қилиб ётидиган «брезент» шаклида ишлов берида.

 СОТИБ ОЛАДИ:

- «зелен овал» (парфени);
- «стоирин».

 СОТАДИ:

- сув ўтмайдиган иш тоғли «брезент» маҳсулотлари;
- оловда қилиб ётидиган иш тоғли «брезент» маҳсулотлари;
- китоб муҳофазалари учун ишлатиладиган қотирилган техник доқа.

 Тел.: 504666, 504767, 1860771. E-mail: sergey@sinta.prv.uz

ТАБИАТ БУРЧАГИ



АБЖИР ЎРГИМЧАКЛАР

Барча ўргимчаклар учун энг характерли хусусият — уларнинг нозик ва нафис тола-ип ишлаб чиқаришидир. Сувда яшайдиган ўргимчаклар бундай илларни уй қуриш учун, бошқалари ўргимчакларини ўзига жалб қилиш учун ишлатади, яъни махсус «ниҳоқ тур»ни тўқийди. Кўпчилик ўргимчаклар нозик тола илларини асосан, ов қилиш мақсадида ишлатади. Тўрға илнинг ўлжани сезиши билан ўргимчак тезда унга етиб келади, олисимон сувоқлик сепеди. Бу сувоқлик ҳавода тез қотди. Қушан-да ҳаракатдан тўхтайдиган ўргимчак ўлжани домига тортди. Нима учун ўргимчаклар тўрғага ўзи илнмайди? У ҳам пашша илларини осонгина тўрға иллиниши мумкин экан. Бунинг сабаби у ўзи ўқиган тўрғага беш бармоқдай билади. Тўрға тўқини жароғида у бир неча хафсиз тоғлар тайёрлайди, яъни улар ёпишоқ бўлмайди. Бундай тоғлар тўрғанинг мустақамлигини таъминлайди. Шундай қилиб, ўргимчак ўз уйининг (тўрғанинг) тизimini, унинг қайси жойидан

юрши кераклигини ҳам яхши билган ҳолда тез ва чаққон ҳаракат қилади. Маълумки, ўргимчакларнинг оёқларида мускуллари бўлмайди. Бироқ улар нафақат тез юради, балки сакрашга ҳам мослашгандир. Маълум гунашчи ўргимчак оёқлари билан яхши равишда илларни ҳаракат қилади. Бунда жониворнинг лимфаси (қони) сувоқлик сифатида хизмат қилади. Ўргимчакларнинг илн думалар шаклида бўлгани учун унинг марказидан ҳар томонга қараб ил тоғларини тортлади. Тайёр бўлган уйга яна бир толани қотирадиган унинг иккинчи учини ўзининг баданига ёпиштириди. Ана шу тола орқали у тўрғага ўлжа тушганини сезади ва тезда етиб келади. Қадимда ўргимчак иллардан мато тўқиш буйича уриштирилган бўлган. Бундай тақриба қутилганидан ҳам яхши натижалар берган. Унинг толаси билан ер қуррасини экватдор буйича айлантириб чиқилган бўлса 340 грамм ўргимчак тоғлини керак бўлар экан.

Ўзбекистонда тарқалган ўргимчакларнинг энг йирити бейдехқон ҳисобланади. Уни том маънода ўргимчакларнинг подшоҳи десак муболага бўлмайди. Катталар мушум-дай келадиган бу ўргимчак ўт-ўланлар орасида ўзига макон ясаб, ўлжа пойлаб ётади. Ўлжа яқинлашди дегунча бир сакраб, уни панжаларини орасига олади. Ўлжа қанча уринмасин унинг исқанжасидан чиқиб кетолмайди. Бундай йирит ўргимчаклар ҳатто майда қушларга ҳам ҳужум қилади. Ўргимчакларнинг яна бир тури бийдор. Унинг гавдаси майин, гўк билан қопланган. Бий ҳам анча йирит, чаққон жонивор. ХХ асрнинг ўрталарида бий (русча номи тарантул) қаққан киши тарантизм касаллигига учрайди, деган фикр кенг тарқалган. Бундай беморни даволаш усуллари билан бири — уни мусиқа садолари остида сурункасига рақсга туширишдан иборат бўлган. Бемор ҳолдан тойиб йиқилиб тушмагунча рақс давом эттири керак. Шундан сўнг у соғайиб кетар экан. Бийнинг ҳужумидан майда дарҳол ўша толани қимирлата бошлайди. Толалар елимсимон ялтироқ томчилар унинг диққатини ўзига тортади. Ҳашарот яқинлашиб томчига қўнғанда у ёпишиб қолади, оқчи ўргимчак эса қармоқли толани ўзига тортди, қалақчи паққоқ туширади. Ўргимчаклар урчиб бўлганидан кейин урочиши эркакни еб қўлади. Хулқ-атворнинг бундай шакли наслини давом эттириш учун фойда экан. Техас ва Корнелл дорилфунуни биологлар олиб борган иланишларга қўра, эркак ўргимчак репродуктив имкониятини оширган пайтида ўзини ем бўлишга қўйиб берад экан.

Яхё ДАВЛАТОВ, биология фанлари доктори.

Системы радиосвязи до 50 км со склада в Ташкенте.

Тел.: (998-71) 191-30-00, Т/Ф: 191-09-09.

Back Forward Stop Refresh Home AutoFill Print Mail

Address: http://san.sungelectronics.com/product/airconditioner/airconditioner.html

SAMSUNG ELECTRONICS SAMSUNG DIGITall everyone's invited..

home news products support corporate info entertainment directory search

Products compute with communicate with entertain with home care with microwave oven refrigerator air conditioner washing machine vacuum cleaner business with create with

air conditioner

МУЛЬТИСПЛИТ НАПОЛЬНЫЕ ОКОННЫЕ КАСЕТНЫЕ

SAMSUNG DIGITall everyone's invited.. Тел.: 504666, 504767, 1860771. E-mail: sergey@sinta.prv.uz

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда бадний экспертиза бошқармаси бошқарманинг бош санъатшунос-назоратчиси Нодиржон Раҳимовга бобоси **Иброҳим РАҲИМНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Давлат ҳўжалиги ҳисобидан Алишер Навоий номи санъат саройи жамоаси соёқ бошлиқ **Носир ВАСИЛЕВИН** вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзгерадиоконпания жамоаси компаниянинг Қоракўрпонистон Республикаси ва Хоразм вилояти буйича мухбирлари билан ишлаш бўлимининг бошлиги Зарифой Иброҳимовга воқолаи муҳтарамаси **ҲОЖАРХОН ОНАНИНГ** вафот этганини муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат аграр университети жамоаси ботаника кафедраси соёқ профессор **Фарида КАМИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг қариндош ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Босишга тошириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.15. 1 2 3 4 5 6

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҷ. ҚОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий хайъат — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89; 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро хайъат — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълоқлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 3015, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Набатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ. Набатчи — Ҳ. КАРИМОВ. Муасхих — Ш. МАШРАБОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.